

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 115 (10.168)

2004 йил 17 июнь

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ — СТРАТЕГИК ҲАМКОР

XVI сарфоси
Барча маълумотлар
олиқтаб сўзгич хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 июнь куни Оксарида ШХТ саммитида қатнашиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик касб этиб бораётгани мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатлари қамров ва сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилаётганидан далолатдир. Бу фикр Москва, Санкт-Петербург, Самарқанд саммитларининг узвий давоми бўлган Ново-Огарёводаги мулоқотда ҳам кўйд этилган эди.

Мамлакатимиз раҳбарининг шу йил апрель ойида Россияга ташрифи чоғида ўзаро муносабатлар ўз тараққийнинг янги палласига кўтарилаётгани алоҳида таъкидланган эди. Зеро, Ново-Огарёво учрашуви фақат сиёсий ва савдо-иқтисодий алоқаларга доир масалаларга оидлик киритиш, ҳамкорликнинг янги-янги лойиҳаларини белгилаш билан чекланган йўқ. Икки давлат президентлари муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасига кўтаришга қаратилган ҳужжат ишлаб чиқишга қелишиб олган эдилар.

Ўзбекистон-Россия муносабатлари улкан салоҳиятга эга. Утган йили ўзаро савдо ҳажми салкам 26 фоиз ошиб, 1 миллиард 149 миллион АКШ долларини ташкил этган бўлса-да, бу кўрсаткичдан икки мамлакат ҳам қониқш ҳосил қила олмайдилар. Нефт-газ, самолётсозлик, машинасозлик, транспорт, озиқ-овқат, металлургия, енгил саноат каби тармоқлардаги имкониятлар ҳали тўла ишга солингани йўқ. Масалан, Россия ёқилги энергетикаси саноати вакиллари («Газпром» очик акционерлик

жамияти, «Лукойл» нефть компанияси) ОАЖ), кончилари («Россия нефть газ санатчилари иттифоқи») билан жиддий ва амалий ҳамкорликка яқинда киришилди.

Бу — равшан кўриниб турган имкониятлар. Холбуки, ишбилармон доиралар шерикликда ишлаши мумкин бўлган, лекин бирмунча излашни талаб қиладиган соҳалар талайгина. Ислам Каримов Россия бизнесининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштирокини кенгайтириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Оксарида аввал яқма-яқка, кейин кенгайтирилган тартибда ўтказилган музокараларда Ислам Каримов ва Владимир Путин биринчи галда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратдилар. Зеро, мамлакатлар сиёсий жиҳатдан ҳар қанча ҳамфикр ва яқин бўлмасин, савдо-иқтисодий алоқалар кўлами улар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий мезонларидан бири бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари мамлакатларимизнинг сиёсий муносабатларини янада ривожлантириш, илгари эришилган қелишувларни ҳаётга таъбиқ этишни жадаллаштиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар. Икки томонлама асосда ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида террорчиликка, экстремизмга, қурол-яроғ контрабандаси ва нархобизнесга қарши курашиш соҳасидаги амалий ҳамкорликни янада кучайтириш тобора муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Ислам Каримов ва Владимир Путин минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва ўзларини қизиқтирган бошқа халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув якунида президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ўткир Султонов ва «Лукойл» нефть компанияси» очик акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперов Ўзбекистон Республикаси билан «Лукойл» нефть компанияси» ОАЖ ҳамда «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компаниялари таркибидаги сармоядорлар консорциуми ўртасидаги маҳсулот тақсимоти оид битимни имзоладилар. Бу ҳужжат Россия томонидан Ўзбекистон ёқилги энергетикаси соҳасига қарийб 1 миллиард АКШ доллари миқдорда сармоя киритишни кўзда тутди.

Журналистлар билан учрашувда президентлар Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома янги босқичга кўтарилаётган Ўзбекистон-Россия муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилишни таъкидладилар. Стратегик ҳамкорликнинг расмийлаштирилиши мамлакатларимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очиши алоҳида кайд этилди.

Анвар БОБОЕВ,
Ўза мухбири

Мамлакатимизда

● Мамлакатимиз Бизнес банки мазкур молия муассасаси фаолиятини мувофиқлаштирувчи янги ҳужжат — «Амалий муносабатлар этикаси кодекси»ни қабул қилди.

● 20 июнда Тошкентдаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, В.Гюго номидаги француз маданият маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимияти кўмағида мусика байрами бўлиб ўтади.

● Бухоро вилоятидаги Ибн Сино номли универсал илмий кутубхонада «Бухоро — шарқ гавҳари» номли ўлкашунослик анжумани ташкил этилди.

● Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги Абдулла Набиев номли маҳаллада болалар учун спорт мажмуаси ва гузар қурилиши «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» очик ҳиссадорлик жамияти молиялаштироқда.

Ҳар иккала объект Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

● Соғломлаштириш оромгоҳларида ёзги ҳордик мавсуми бошланди. Уни бухоролик болалар мактаблар қошидаги 22 та ва 19 та шаҳар атрофидаги оромгоҳларда мазмунли ўтказдилар.

Жаҳонда

● Братиславада Словакиянинг янги Президенти Иван Гашпаровичнинг президентлик лавозимини қабул қилиш расмий маросими бўлиб ўтди.

● Чеченiston Республикаси президентлигига номзодлар сони 11 кишига етди.

● Хиндистонда йўловчилар поездининг рельсдан чиқиб, қулаши натижасида дастлабки таҳминларга кўра, 25 киши ҳаётдан кўз юмган.

● Покистон ҳукумат кўшинлари «Ал-Қоида» террор гуруҳига қарши олиб бораётган ҳарбий амалиётларини якунлади. Маълумотларга кўра, ҳаракатлар чоғида 72 киши ҳалок бўлган, улардан 55 нафари «Ал-Қоида» гуруҳи аъзоларидир.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида 16 июнь куни Олий Мажлисга ташриф буюрди.

Парламент Раиси Эркин Халилов билан учрашувда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари, парламентларо ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида кунчи кеча бўлиб ўтган музокаралар, имзоланган ҳужжатларга юқори баҳо берилди.

Ху Цзиньтао парламент депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

— Сизларга, сизлар орқали Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва истеъдодли халқига хитой халқининг саломини етказмоқчиман, — деди ХХР Раиси. — Узоқ тарих ва бекиёс маданиятга эга бўлган Ўзбекистон инсоният цивилизацияси тараққийига салмоқли ҳисса қўшган. Мустақиллик эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон халқи Президент Ислам Каримов раҳбарлигида давлат суверенитети ва худудий яхлитликни мустақамлаб, ўзига хос тараққийёт йўлидан дадил қадам ташламоқда ва улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Ху Цзиньтао Ўзбекистон-Хитой муносабатларига тўхталиб, ўзаро ҳамкорликни

кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Икки мамлакат раҳбарлари сиёсий, техникавий-иқтисодий, маданий ва ижтимоий алоқаларни ривожлантириш ҳамда хавфсизликни мустақамлаш борасида фикрдош эканлигини қайд этди.

— Хитой билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида Буюк Ипак йўли орқали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган, — деди Ху Цзиньтао. — Минтақа мамлакатлари мустақилликка эришгач, Хитой биринчилар қаторида Ўзбекистон билан дипломатия муносабатларини ўрнатди.

Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро алоқаларнинг тарихи минг йилларга бориб тақалишини таъкидлади.

Халқларимиз ва мамлакатларимизнинг дўстона алоқалари бугунги кунда замон талабларига мос равишда ривож топиб бормоқда. Бу — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатнинг амалий самарасидир.



МАРҲАБО, БАФРИ КЕНГ ЎЗБЕКИСТОНГА!

«Халқлар дўстлиги» саройи. Тошкенти азимининг барча масканлари қатори бу муҳташам сарой ҳам олий даражадаги халқаро анжуман — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг навбатдаги мажлиси арафасида ўзгача кўрк ва чирой касб этган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент учрашуви қатнашчиларига бағишлаб намойиш этиладиган концерт дастурига ҳамма нарса шай. Саройнинг улкан зали жамоатчилик ҳамда дипломатик корпус вакиллари ва хорижий меҳмонлар билан гавжум.

Соат 19.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов кириб келди.

Йигилганлар олий мартабали меҳмонларни гулдурос қарсақлар билан кутиб оладилар. Саҳнада ўзбек, рус ва хитой тилларида кутлов янграйди.

Миллий нахшикор парда кўтарилиб, саҳнага «Аббос» фольклор гуруҳи кириб келди. Улар қарнай садолари остида дўстлик концертини бошлаб бердилар. Сўнгра «Тошоша» болалар фольклор ансамбли кичкинтойлари саҳнага эғлайдилар. Турли ансамбллар санъаткорлари ижросида «Уш келибсиз», «Лазги» наволари янграйди. Шу тахлит ўзбек

санъати намояндalари, ёш ижрочилар мўтабар меҳмонларни муборақбод етдилар.

Санъат дилларни дилларга пайванд этади, элларни элларга дўстлаштиради. Санъат халқларимизнинг янада ҳамжихатлашувига, эзгу ниятларига, буюк орзу ва мақсадларига етишиш йўлида ўзаро ҳамкорлигига кўмаклашади.

Шу маънода, ушбу маданий тадбир баҳона олий мартабали меҳмонлар ўзбек халқининг очик кўнгиллиги ва меҳмондўстлигини яна бир бор хис қилдилар. Кўп асрлик тарихимиз, бой маънавий меросимиз, миллий маданиятимиз, санъатимиз, азалий ва инжа аъёнларимиз билан танишиш имконига эга бўлдилар. Энг муҳими, бу янглиг маданий алоқалар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини янада кучайтиришга хизмат қиладди.

Саҳнада — Хитой санъаткорлари. Ушбу мамлакат халқ чоғлу оркестри ижросида «Ой ёдусидаги чечаклар» мусиқий композицияси намойиш этилди. «Саҳнада цирк» дастаси вакиллари ижросидаги акробатик ҳамда эквилибристик санъатнинг омихталаштирилган намойиши барчага завқ-шавқ бағишлади.

Давоми 2-бетда.



МАРҲАБО, БАҒРИ КЕНГ ЎЗБЕКИСТОНГА!

Давоми. Боши 1-бетда.

Хассос рус шоири лександр Пушкиннинг ўтли мисралари таралиб, Россия санъати намойишига гал келганидан дарак беради. Буюк рус композиторлари — Петр Чайковский, Сергей Рахманинов, Н.Римский-Корсаков ижодидан намуналар янграйди. Россия Федерацияси халқ артисти Владимир Моторин «Садко» операсидан куйлаган ария мисолида муаззам залга тўпланганлар рус миллий музыка санъатининг ноёб намунасидан бахраманд бўдилар. Навбат кардошларимиз — Марказий Осиё мамлакатлари санъат аҳли вакиллариغا етиб келди.

Қозоғистон халқ артисти Нуржамал Усенбаева ижросидаги «Жюльетта вальси», Бекбулат Тлеуханов

раҳбарлигидаги Қозоғистон фольклор ансамблининг «Менинг халқим» кўшиги, Қирғизистоннинг «Ак марал» давлат ракс ансамбли ва «Камбаркан» фольклор-этнографик ансамбли ижро этган «Қирғиз ери» ҳамда «Олтин водий афсонаси» вокал-хореографик композициялари, Тожикистон халқ артисти Давлатманд Холов раҳбарлигидаги «Фалак» давлат ансамбли ва «Гулрез» ракс дастаси намойиш этган дилрабо кўшиқ ва ракслар бири-биридан гўзал, бири-биридан жозибалидир.

Ўзига хос халқаро санъат байрамига Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, «Нихол» мукофоти соvrиндори Дилнур Мирзақулова каби миллий санъатимиз намояндлари ижросидаги кўшиқлар янада файз бахш этди.

Маданий тадбир иштирокчилари

дилдида шундай бир ҳақиқат акс этди — халқларимизнинг миллий санъати намойиши бўлган концерт ниҳоясига етди, лекин дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларимиз изчил давом этаверади.

Тошкент саммити ШХТ тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда шу кеча-кундузда эришиладиган келишувлар, тасдиқланадиган муҳим ҳужжатлар мазкур ташкилот ўзининг ташкилий босқичини тугаллаб, амалий фаолият даврига ўтганидан яна бир бор далолат беради. ШХТ ҳаётидаги ана шу янги даврни муносиб нишонласа, байрам қилса арзийди. «Халқлар дўстлиги» саройида ШХТга аъзо мамлакатлар санъаткорлари ижросидаги дўстлик концерти бунинг амалий ифодасидир.

Ғулом МИРЗО,

ЎЗА махсус муҳбири

Бағрикенг, дастурхони тўкин Ўзбекистон аҳли бугун яна азиз меҳмонларни қутламоқда. Мана икки кундири, азим Тошкентимизда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг анжумани бўлиб ўтмоқда. Бугун биз яхши ният ва олий мақсадлар билан мамлакатимизга таширф буюрган чин дўстларимизни қутламоқдамиз. Шу босдан кўчалар гавжум, сайилгоҳлар одамлар билан тўла. Ҳамминг оғзида дўстлик, тинчлик, ҳамжихатлик сўзлари такрор-такрор янграйди. Бу бежиз эмас, ушбу олий мақсадларни кўзлаб ўтказилаётган учрашувдан ҳаммининг умиди катта. Айни пайтда Ўзбекистонимизга бутун жаҳон аҳлининг диққат эътибори қаратилаётганининг ҳам сабаби ана шунда. Шундай дамларда биз ҳам шаҳар кезиб ШХТ саммити ҳақидаги ҳамшаҳарларимизнинг фикр ва мулоҳазалари билан қизиқдик.

Тошкент саммити руҳи

ДўСТ БИЛАН ОБОД УЙИНИҒ

— Тошкентимиз қадим-қадимдан тинчлик ва дўстлик шаҳри деб ном олган. Бундай нуфузли учрашувлар бизда тез-тез ўтказилиб турилади. — дейди маҳалла оқсоқоли Собир Комиллов. — Бу биринчи навбатда Мустақил Ўзбекистонимизнинг эллари нуфузи ва эътибори охиб бораётганини кўрсатса, иккинчидан халқларимиз ва мамлакатларимизнинг дўстона алоқалари бугунги кунда замон талабларига мос равишда шаклланиб бораётганидан далолат беради.

— Агар эсингизда бўлса, мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, биринчилар қаторида Хитой Ўзбекистон билан дипломатия алоқаларини

ўрнатган эди, — дея суҳбатимизга кўшилди ўқитувчи Холида Султонова. — Бугунги кунда эса Хитой билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида Буюк Ипак йўли орқали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Дунёнинг икки буюк давлати Россия ва Хитой ҳамда ён кўшиқларимиз Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон билан турли даражадаги ҳамкорлигимиз шубҳасиз Ўзбекистонимиз учун катта фойда келтиради.

— ШХТ доирасида давлатларнинг савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш ҳақидаги режалари мени бениҳоя хурсанд қилди, — дейди тарихчи олим Туроб Хўжаев. —

Ахир кўпчилик давлатларнинг тарихига назар солсангиз, улар қадим-қадимдан савдо-сотиқ билан шугулланиб келганини кўрасиз. Зеро, савдо ва ишлаб чиқариш қанчалик кенг тарқайиш этса, юрт шунчалик тез бойийди. Бу йиллар давомида исботланган ҳақиқат.

— Ушбу анжуманда терроризм ва гиёвандликка қарши кураш ҳусусида ҳам сўз юритилиши дилдаги муддао бўлди. Биргаликдаги ҳаракатда гап кўп, — дея ўз сўзини бошлади шифокор Максуд Каримов. — Тошкентда ШХТ қошидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг очилари ўйламанки, ўз самарасини беради. Чиндан ҳам бугунги кунда

терроризм ва гиёвандлик масаласи бутун дунё халқларининг хавfli душманига айланган. Бу иллатни фақат биргаликда дўстона ҳамкорлик билангина йўқ қилиш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда ҳам бугун барчанинг диққат эътиборида бўлиб келаётган бу учрашув алоҳида таҳсинга сазовор.

— Биз ўз мамлакатимиз тарихида яна бир унутилмас воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шунинг учун ҳам олти йирик мамлакат раҳбарларининг ШХТ доирасида ўтаётган бу учрашув оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда, — дейди санъаткор Файзулла Аҳмедов. — Учрашувнинг мамлакатимиз Тошкентда ўтаётганлигининг ўзи ҳам Ўзбекистонимиз обрўси кун сайин охиб бораётганлигини кўрсатади. Агар шоирона тил билан айтадиган бўлсак:

**Жаҳоннинг шодлиги
йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан
бўлолмас устун,
деган шоир минг қарра
ҳақлигига ишонч ҳосил
қиламиз. Илоҳо ҳамкор,
ҳамфикр, маслакдош дўстлари
миз кўпайсин.**

Маҳмуд ОРИПОВ
суҳбатлашди.

Саноат

Фойда билан ЯКУНЛАДИ

Кейинги йилларда «Ўзэлектроаппарат» очик акционерлик жамиятида иш жонлана бошлади. Бунга ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги замонавий, юксак самарали, тезкор линияларни ўрнатиш орқали эришилди.

2002 йилдан акционерлик жамияти раҳбариятининг сай-ҳаракатлари тўғрисида ишлаб чиқариш қуввати оширилиб, буюртмачилар сафи ҳам орта бошлади. Бугунги кунга келиб, жамоа аъзолари нафақат республикамизга, балки МДХ давлатларига ҳам маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Корхона аҳли 1 чоракда иш режасини 108 фоизга бажарди, яъни 195 миллион сўмлик буюртмалар ўз муддатларида мижозларга етказиб берилди.

Корхона жамоаси томонидан тайёрланаётган сифатли электртехник ускуна ва жиҳозлар йирик ташкилотлар ҳамда қурилиш майдонларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Барча буюртмаларнинг қатъий равишда ўз муддатларида бажарилиши назоратга олинган. Шунингдек, корхонада аҳоли учун кенг қўламадаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Жорий йилга келиб, жамият барча қарзлардан қутулиб, ўтган 2003 йилни 66,0 миллион сўмлик фойда билан яқунлади.

ХУНАР — ЗАР

Пойтахтимиздаги «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими қошидаги Абулқосим мадрасида ташкил этилган «Устоз-шоғирд» йўналишидаги мактаб мана ўн беш йилдики, самарали фаолият юритмоқда.

Хунарманд уста Мирфаёз Абдуфаттоҳов 10 йилдан буён наққошлик санъати соҳасида бетакрор асарлари билан хунармандлар орасида ўз ўрнига эга. 150 йиллик тарихга эга бўлган гўзал хаттоглик санъатини у ўстози — ҳозир 80 ёшли қоралаган беназир наққош Маҳмуд ота Тўраевдан мукамал ўрганган. Устозининг барча ўғитларини сабр-тоқат, кунт, зийраклик билан эгаллаган Мирфаёз ҳозирда 20 турдаги маҳсулотлар тайёрлаб, мижозларини мамнун этмоқда.

Жозибадор нақшлар билан безакланган қутчалар, тошойна, хонтахта, телефон учун столча, лаган, қаламдон каби бир-бирини такрорламайдиган маҳсулотлар «Интерконтиненталь», «Шератон-Тошкент», «Грандмир», «Тата» каби маҳобатли меҳмонхоналар, ёдгорлик буюмлари дўконларида сотилмоқда. Хунарманд кўплаб кўрик-танлов, ярмаркаларда ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, совриндор бўлган. Эътиборли томони, у ўзининг бу гўзал санъатини кўпгина оловқалб ёшларга бажонидил ўргатмоқда.

Малика КАМОЛОВА

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

Маълумки, айни ёз палласида аксарият хонадонларда қурилиш-таъмирлаш ишлари авж олади. Ушбу мақсадлар учун ички бозоримизда сифатли, кўркам ҳамда нисбатан арзон қурилиш ашёлари ҳам бисёр. Яққасарой туманидаги «OLIANA RUM» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар айни шу талабларга жавоб беради.

— Ички бозоримизни чуқур ўрганиб, албатта рақобатчи корхоналар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда 4 йилдан буён фақат сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Владимир Череватенко. — Жорий йил бошидан буён жамоамиз аҳли 5 миллион 600 минг сўмлик маҳсулотларни мижозларга етказиб берди.

Мазкур корхонада 10 турдан ортиқ турли сифатли бежирим, қулай идишларда ха-



ридоргир оқ рангли, эмульсияли, фасалларга мўлжалланган бўёқлар, штепель бўёқ, универсал шпатлевка, 8 хил гуашлар, ранг-баранг туш ҳамда сиеҳлар тайёрланади, нафақат шахримиз, балки республикамизнинг кўпгина вилоятларига жўнатилмоқда. Яқинда буюртмачилар сони яна биттага ортди, — «Наво Шарқ» хусусий фирмаси корхонанинг сифатли маҳсулотларидан мамнун. Айниқса, буюртмачилар ўз муддатларида бажарилиши мижозларни қувонтиради.



Эътиборли томони шундаки, корхонада тайёрланаётган барча маҳсулотлар маҳаллий хом ашёдан ишланиб, қадоқланадиган идишлар ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилган.

Жорий йил охиригача корхона талбиркорлари янги техникалар келтириб, ички бозорга яна бир янги маҳсулотни чиқаришни режалаштирмоқдалар.

Ҳақимжон Солиқов олган суратлар.

Иқтисодиёт

ВЕЛОСИПЕДАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарувчилар харидорғир, рақобатбардош маҳсулотлар билан ички бозоримизни тўлдириш мақсадида меҳнат қилмоқдалар. Сергели туманидаги «Met-fur servis» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

— 1999 йилда 6 киши билан иш бошлаган корхона бугунги кунга келиб 45 нафарга яқин малакали, ўз ишининг усталари бўлган аҳил жамоани ташкил этади, — дейди корхона директори Шавкат Халилов. — Ҳозирда жуда кўп турдаги сифатли, харидорбоп фурнитурга маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Россия давлатидан келтирилган дастгоҳ ва ускуналардан унумли фойдаланган ҳолда буюртмаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишига эришмоқдамиз.

Корхонада жорий йилнинг I чорагида 12 миллион 600 минг сўмлик фурнитурга маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Утган 2003 йилда эса жамият жамоасининг изланишлари, унумли меҳнатлари туфайли 20 миллион 400 минг сўм соф фойда олишга муваффақ бўлди. Аиниқса, кўркам, мустаҳкам, фойдаланишда қулай бўлган ҳар хил ҳажмдаги карнизлар, струналар, мебелсозлик, енгил саноятда қўлланиладиган ҳамда ҳарбийлар учун фурнитурга буюмлари буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

Корхона фурнитурга маҳсулотларига бугунги кунга келиб нафақат пойтахтда, балки бутун республикада буюртмачилар сафи кенгайиб бормоқда. Туманда, шаҳар мекёсида ўтказиладиган танлов, кўрик-савдо, ярмаркаларда ўз маҳсулотлари билан фаол қатнашаётган ушбу корхона жамоаси доимо изланишда, ички бозорни ўрганиш асносида янгиликка интилиб, маҳсулотлари турини 100 тадан

оширишга муваффақ бўлди. Бундай ютуқларга эришишда жамият ишчи-хизматчиларининг малакалари,



ғайрат-шижоатларини алоҳида таъкидлаш керак. Цехларга ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналарга ўз вақтида малакали техник хизмат кўрсатиш эвазига улар-



нинг «умрини» узайтиришга эришилмоқда. Бунда корхонанинг 20 йиллик иш тажрибасига эга бўлган кўли гул устаси — чилангар-созловчиси Атхамжон Зарипов, ёш, чакқон уста Эркин Халиловлар меҳнатини алоҳида кўрсатиш лозим. Техникани унумли ишлатган ҳолда жамоа ахли ўтган ойда 4 ярим миллион сўмлик сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришди ҳамда мижозларга етказиб берди.

Жорий йилда ҳам жамият тadbиркорлари эзгу ниятларни кўзлаб, меҳнат қилмоқдалар. Яъни, ишлаб чиқаришни кенгайтириб, янги маҳсулотлар — уч гилдиракли болалар ва ўсмирларга мўлжалланган кўркам велосипедларни тайёрлашни режаларига янги иш ўринлари яратилади. Сирасини айтганда, бозор талабини тўғри тушуниб, янгиликка интилган «Met fur servis» чилар ички бозоримизда ўзларининг мўқим ўринларига эгалар.

Сирасини айтганда, бозор талабини тўғри тушуниб, янгиликка интилган «Met fur servis» чилар ички бозоримизда ўзларининг мўқим ўринларига эгалар.

Мавжуда МУХИДИНОВА СУРАТЛАРДА: 1-цех бошлиги Эркин Халилов ва уста созловчи Атхам Зариповлар деталлар сифатини кўздан кечиришмоқда; корхонанинг илғор ишчиси Тоштурди Эргашев иш жараёнида; малакали қадокловчи Зоҳида Хайдарова ҳамкасбларига ишда ўрнатилган суратлар.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

Мажлис ЛУФАТШУНОС-ЛИККА ҚЎШИЛГАН ХИССА

Мамлакатимизда луфатшунослик соҳасида кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. «Тарихий ҳарбий атамалар луғатининг юзага келиши ҳам тилшунос олимларнинг жиддий ютуғи бўлди.

Ўзбекистон Миллий университетининг профессори Ҳамидулла Дадабоев томонидан тузилган ушбу луғат ўзининг кўп жиҳатлари билан эътиборни тортади. Унда мингдан ортқ ҳарбийча сўз ва ибораларга изоҳ берилган.

Тарихий, адабий манбаларда учрайдиган ҳарбий соҳага оид сўзлар, Ўрта Осиё, Дашти Қипчоқ, Шарқий Туркистон ва бошқа минтақаларда яшаган туркий халқлар тилидаги иборалар талқини ҳам қизиқиш уйғотади.

Мутахассислар бу янги луғатни тарихий-этимологик, лексик-семантик манба маъноси сифатида ҳам баҳоламоқдалар.

ИНСТИТУТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАРИ

«Тошкент тадқиқот» лойиҳалаш институти томонидан тайёрланаётган лойиҳалар республика-мизда меъморчилик ишининг ривож топишидаги йирик изланишлар янгилик мамлакатимизда ўтказилган республика рейтингларида муносиб баҳоланди.

Автоматлаштирилган лойиҳалаш ва шаҳарсозлик кадастри жараёнлари ҳам бу илмий муассасада юзага келди. Бу билан рақамли топографик режаларни яратиш технологиясини амалиётга таъбиқ этиш кенг йўлга қўйилди. Геологик, гидрогеологик, геофизик ишларни тадқиқ этишда радиолокацион усулларни қўллаш ҳам яхши самара бермоқда. «Георади» тизимини қўллаш бинолар ва иншоотларнинг деформацион ҳолатларини ўрганиш учун кенг йўл очиб берди.

Институт ҳузурида Германиянинг «Зелсс» фирмасининг минтакавий ўқув-маслаҳат сервис маркази очилди. Шаҳарсозлик кадастридан фойдаланишга киришилди. Аини вақтда автоматлаштириш технологиясини ўқув-маслаҳат маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда республикаимиздаги лойиҳалаш ва тадқиқот муассасалари кадрлари ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.

Ер ости суваридан фойдаланишнинг техникавий жараёнлари бўйича ҳам изланишларга қўл урилди.

Аҳмад АББОСОВ

Мана шундай қулайлик, намунали хизмати ташкил этиш эса соҳа ходимларидан анчагина сермашаққат меҳнат ҳамда керакли маблағни талаб этади. Албатта, ишларнинг соз бўлиши, истеъмолчиларни мамнун этиш учун таъмирлаш ишларини вақтида амалга ошириш, муддати ўтган қурув ва эҳтиёт қисмларни алмаштириш, носозликларни барта-раф этиш лозим. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ушбу ишларни амалга ошириш ўзига яраша маблағ талаб қилиб, уларнинг маълум қисми истеъмолчиларнинг тўловлари ҳисобига амалга оширилади. Шу боисдан ҳам кўрсатилган хизматлар ҳақи — тўловларнинг вақтида бажарилиши ҳар бир хонадон эгасининг ўзи, қўни-қўшни, қолаверса маҳалладошлари учун қулайлик яратилишига қўшган хиссаси бўлади.

Аммо айрим ҳамшаҳарларимизнинг лоқайдлик ва бепарволиклари туфайли қарздорлар сафи кенгайиб, бу хизмат кўрсатиш сифатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг исм-шарифларини қайд этар эканмиз, халқимизнинг «Хисобли дўст айрилмас» деган ажойиб нақлини эслатиб ўтишни жоиз билдик. Шундай қарздорлар борки, улар нафақат ойлаб, ҳаттоки йиллаб хизматдан фойдаланиб, ҳақини тўлашни бутунлай унутишган. ЧИЛОНЗОР тумани, 19-мавзе, 48-уй, 43-хонадондан Пўлатов иссиқлик ва иссиқ сув тўловини бажармасликда «рекорд» ўрнатган. Унинг қарзи шу кунга қадар

423419 сўмга етган бўлса-да, тўлашни ҳаёлига келтирмаётгани ажабланарлидир. Тумандаги «Алгоритм» даҳаси, Г-35, 12-уй, 58-хонадондан О.Тисирова 348716 сўм, «Гулистон» даҳаси, 49-уй 7, 8-хонадондан Н.Шатлов 307316 сўм, ушбу даҳанинг 52-уй, 115-хонадондан Е.Кадетская 218228 сўм, МИРОБОД тумани, Нукус қўчаси, 79-«а» уй, 17,18-хонадондан Очилова 353203 сўм, Ржев-

атаймиз, тириклик манбаи ҳисоблаймиз. Ана шу зарга қиёс этгулик, лекин зардан-да қимматбахо суви ишлатиб, ҳақини тўлашда «оқсаётган» лар барча туманларда ҳам топилди. МИРОБОД тумани, Ш.Умарова қўчаси, 1-уйдан Ш.Отабоев, Файзобод қўчаси, 4-йўлак, 17-уйдан Саидқорихўжаев, ЧИЛОНЗОР тумани, Чилонзор 5-боши берк қўча, 10-«а» уйдан Ю.Маҳка-

тахтимизда топилмас керак. Уни бежизга «жонинг роҳати» деб айтмаймиз. Бу беминнат дастёрдан зарур, гоҳида нозорур пайтларда ҳам унумли фойдаланиб, газ ҳақини тўламаганлар унинг қадрини билиб қўйишса ёмон бўлмасди. Ана шундай хонадон эгалари билан бир танишиб қўйинг-а. ЧИЛОНЗОР тумани, Катортол қўчаси, 11-уйдан М.Мирхалилов 93500 сўм қарз билан энг «юқори» ўриндан жой олган. Турсунхўжаева қўчаси, 34-«а» уйдан У.Абдуллоев 58448 сўм, ЯККАСАРОЙ тумани, Мироқилов қўчаси, 25-уйдан Х.Тожибоев 83719 сўм, МИРЗО УЛУҒБЕК тумани, Кизилсуь қўчаси, 20-уйдан Т.Лопатина 78200 сўм, МИРОБОД тумани, «Қўйлик» қўчаси, 4-уйдан Шерматов 52718 сўм, Жаҳонгир қўчаси, 18-уйдан И.Хожимухамедова 43920 сўм, Темирйўлчилар қўчаси, 38-уйдан Хуришдов 38629 сўм қарзларини елкага ортиб, бемалол юрганига ҳайронмиз.

«Сендан угина, мендан буғина» деган ибора бежизга айтилмаган. Хизматдан фойдаланиб, мушкулдигиз осон, оғирингиз енгил бўлаётими, ҳақини ҳам тўлашни унутманг-да. Ен-атрофдагиларга қаранг, сизнинг тўловларни ўз вақтида бажаришингиз нафақат ўзингизга, балки уларга ҳам фойда. Шу боисдан бировларга зиён етказмай, сиз ҳам улар сингари тўловларни ўз вақтида адо этинг. Ахир қўшнилари ҳисобига яшаш уят-ку. Қарзни тўлаш фарз эканлигини доимо ёдингизда тутинг.

(Ўз мухбиримиз)

Тўловлар

ҚАРЗНИ ТЎЛАШ ФАРЗ

Кишнинг қорли-қировли кунларида хонадонининг иссиқ бўлишини ким ҳам хоҳламайди дейсиз. Шу билан бирга қишин-ёзин иссиқ сувнинг ҳамиша хизмат кўрсатиши ҳар бир оила аъзолари учун энг яхши қулайликдир.

ский қўчаси, 3-уй, 60-хонадондан Х.Мақсудов 286192 сўм, Қўйлик-4 мавзеси, 11-уй, 55-хонадондан Т.Раҳмонова 257052 сўм, МИРЗО УЛУҒБЕК тумани, Хожибоева қўчаси 1-уй, 16-хонадондан К.Мухамедова 248354 сўм, Марказ-1 мавзеси, 38-уй, 175-хонадондан Ш.Асқархўжаева 237688 сўм, Яланғоч мавзеси, 123-уй, 65-хонадондан С.Кутепов 217354 сўм, Муртазоева қўчаси, 16-уй, 43-хонадондан А.Тўраева 197600 сўм қарзларини тўламай бамайлихотир юришларини қандай изохлаш мумкин?

Сувисз ҳаётимизни тасаввур эта олмаймиз. Шу боисдан ҳам уни «оби-ҳаёт» дея

мов, Чўпонота қўчаси, 5-уй, 27-хонадондан Мирфайзиева, МИРЗО УЛУҒБЕК тумани, Буюк Ипак йўли қўчаси, 2-уйдан У.Хусановларнинг 30 минг сўмдан 112 минг сўмгача қарзлари мавжуд. Ушбу хонадонларнинг аъзолари бир кун сувсиз яшашни тасаввур этиб кўришин-чи. Тасаввур эта олмайди, агарда шундай бўлиб қолса, хизмат кўрсатувчиларга дарров кўнғироқ қилишади, дўк-пўпса ҳам, арз-шиқоят ҳам тайёр бўлади. Лекин ҳақини тўлашни унутишад-ю, бепарволикларидан уйлиб ҳам қўйишмайди.

Қимматбахо бойликларимиздан ҳисобланмиш табиий газ кириб бормаган хонадон пой-



Ёшлар — келажакимиз

УСТОЗЛАР КЎМАГИДА

Баркамол авлод — умидимиз юлдузлари бўлган ёшларга чуқур билим бериш ҳамда ўзлари ёқтирган касб-хунарни ўрганишлари учун мамлакатимизда барча имкониятлар мавжуд. Айниқса, пойтахтимиздаги ўрта махсус касб-хунар коллежларида фарзандларимизнинг меҳнат бозорига бемалол рақобатлана оладиган мутахассислар сифатида «майдонга» чиқишлари учун самарали саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.



Вилоятлардан келган ёшларга 140 ўринга мўлжалланган ётоқхона мавжуд, бу ерда коллеж раҳбарияти саъй-ҳаракатлари туфайли йиғит-қизларга зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган. Спорт майдони, югуриш йўлакчалари ёшларнинг jismoniy чиниқишлари учун хизмат қилмоқда. Кувонарлиси, коллежнинг дасту-

рлар тайёрлашга муҳим ҳисса қўшишмоқда.

Коллежда таълим жараёнида амалий машғулотларга алоҳида ўрин ажратилган. Масалан, шаҳримиздаги «Сувос» трести унитар корхонаси, вилоятлардаги сув-созлик трестлари, автокорхоналар, ишлаб чиқариш корхоналари, Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш бошқармаси, «Турон-банк», Халқ банки, «ТОМРЭЗ» заводи ҳамда ҳуқуқий идоралар билан узоқ йиллик шартномалар асосида коллеж талабалари амалиёт ўташади.

Шу билан бирга, коллеж ўқувчилари нафақат таълим масканида, балки туман, шаҳар миқёсида ўтказилган танлов, кўрик, олимпиадаларда фаол қатнашадилар. Масалан, жорий йилда авто-транспорт мутахассислиги бўйича шаҳар миқёсидаги «Энг яхши мутахассис» кўрик-танловида коллеж ўқувчилари 2-сорини ўзини эгаллаб, диплом ва қимматли совға билан тақдирланишди. Шунингдек, Ўзбекистон телевидениесининг «Иқтидор» телекўрсатувидан коллежнинг «Мироб» командаси иштирок этиб, диплом ҳамда совғаларни қўлга киритди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: Тошкент Мелиорация ва сув хўжалиги касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.

Тоҳир Ниматуллин олган суратлар.

Тоҳир Ниматуллин олган суратлар.



рий таълимидан ташқари кўпгина йўналишларда тўғрақлар фаолият юритмоқда.

Ушбу масканда бугунги кунда 86 нафар малакали, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган ўқитувчилар жамоаси ёшларга билим бермоқда. Улардан 9 нафари фан номзодларидир. Умумтаълим фанлари ўқитувчилари — Лайло Ёқубова, Маҳмуда Ҳикматова, махсус фанлардан Эркин Очилов, Фарҳод Маддинов, Шуҳрат Қобилов, Жамил Тастанбекова, Хайитбой Аллаев, Улуғбек Хошимов, Фарид Тоҳировлар ўз меҳнатлари билан яхши мутахассислар тайёрланади.

Ушбу масканда ўқувчилар билим сирларини мукамал эгаллашлари учун ақиндагина таъмирдан чиқарилган кенг, ёруғ ҳамда тўла жиҳозланган 47 та ўқув хоналари, 9 та лаборатория, махсус фанлар хоналари, каттагина кутубхона ҳамда қироатхоналар мавжуд, замонавий компьютерлар билан жиҳозланган хоналар, амалиёт ўтказилган устакхоналар, Мънавият ва маърифат, ўқув-услубий хоналари, охиона ва буфетлар ўқувчилар ихтиёрида.

Тадбирга шаҳримиздаги 27 та коллеждан ўқитувчи ва ўқувчилар таъриф буюришди. Кўрик-танлов шартлари бўйича қатнашчиларнинг таълим даврида яратган дилбослари билан моддалар театри аъзоларининг чиқишлари барча йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Учинчи босқичга чиққан чевар қизлар диплом ишлари, яъни ижодий ишларини ҳам намойиш қилдилар.

— Пойтахтимиздаги мавжуд туман меҳнат бўлимлари сингари, бизнинг жамоамизнинг иши маҳаллалар, корхона, ташкилотлар, фирмалар билан ўзаро ҳамкорликка асосланган бўлиб, унинг доираси жуда кенг. Асосий вазифаларимиздан бири туманимизда истиқомат қилувчи иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ўзлари хоҳлаган мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш.

Шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалардаги 2 ёшгача ҳамда 18 ёшгача бўлган нафақа олувчиларга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорига эркин рақобатлаша олмайдиган қатлами: ёшлар, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган оналар, ногиронлар, мактаб, ўрта махсус касб-хунар коллежлари, олий ўқув юр்தларининг битирувчилари, жазони ўташ жойларидан бўшаб келган фуқароларга ёрдам кўрсатиш ҳам шулар жумласига кирилади.

Туманимизда 33 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларнинг оқсоқоллари ўзини-ўзи бошқариш органлари инспекторлари билан ҳамжиҳатликда иш олиб борадилар. Меҳнат бўлимининг 7 нафар малакали, ишчан маҳалла но-зирлари ҳар бир хонадонга кириб борадилар. Эътиборли томони, улар ўз малакаларига таянган ҳолда фуқароларга тегишли маслаҳатлар беришади. Жорий йил бошидан буён ту-

манда истиқомат қилувчи 154,9 минг аҳолидан 883 нафари иш билан банд бўлмаган фуқаролар сифатида рўйхатга олинди, улардан 613 нафари ишга жойлаштирилди.

Бу йил меҳнат бўлими ходимлари томонидан режага асосан 2 та меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Йил охиригача яна 2 та «Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Бугунги кунгача тумандаги корхона, ташкилот, фирмалар томонидан ҳаммаси бўлиб 1265 та янги иш жойлари ташкил этилган. Улардан 7 фоизини квоталанган иш ўринлари ташкил этилди. Ушбу ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январьдаги «Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида олиб боришмоқда.

Жумладан, «12-автобус саройи», «4-автобус саройи» очиқ акционерлик жамиятлари, «Баракат-альфа» кўшма корхонаси, «Файз-холдинг» компанияси, «FAYZ FOUNDATON» маъсу- лияти чекланган жамияти, туман ободонлаш-

тириш бўлимларидан бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлари тавсия қилинган. «Ўзбек

Мушоаба

ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармасига қарашли Сергели туман меҳнат бўлими раҳбари Умар СУЛТОНОВ жамоа ходимларининг юритаётган фаолиятлари, кел-гусидagi иш режалари тўғрисида кўйидагиларни сўзлаб берди:



чарми» хусусий корхонаси 150 миллион сўмлик кредит асосида иш бошлаб 47 та янги

иш жойлари, «Жонон магит сервис» хусусий корхонаси эса 15 та янги иш ўринларини яратди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига 20 нафар фуқароларга йўлланмалар берилди. Туманда «Уста-шоғирд» усулида ёшларга гилам тўқиш сир-асрорлари ўргатишмоқда.

Меҳр ва муруват йилида меҳнат бўлими ходимлари маҳаллаларда аҳоли билан бир қатор амалий ишлар олиб бормоқдалар. Шулар жумласида 2 ёшгача бўлган 1068 нафар фуқароларга 12697 минг сўмлик, 18 ёшгача нафақа олувчилардан 1948 нафарига 11897 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, кам таъминланган муҳтож 472 та оиллага 4688,7 минг сўмлик ёрдам пул-лари ажратилди ва тўланди.

Амнистия бўйича жазони ўташ жойларидан бўшаб қайтганлардан 75 нафар фуқаролар билан маҳаллаларда қатъий жалвал асосида учрашувлар ўтказилиб, уларнинг ижтимоий, иқтисодий муаммолари ҳал қилиниб, 39 нафари ишга лаёқатли бўлган

фуқаролар ишга жойлаштирилди, 36 нафар ишга яроқсизлари эса соғлиқларини тиклашга юборилди.

«Оқибат», «Янги ҳаёт», «Наврўз», «Баҳор» каби ўзини-ўзи бошқариш органлари оқсоқоллари инспекторлар меҳнатининг самарали бўлиши йўлида ёрдамларини аямаяптилар. Ҳамкорликда иш юритаётган маҳалла инспекторларидан Нафиса Мирсаидова, Маглуба Раҳимовалар ўз соҳаларининг билимдонлари, малакали, серғайрат ходим эканликларини намойиш қилмоқдалар. Шунингдек, меҳнат бўлими раҳбари ўринбосари — Шавкат Дадашев, ижтимоий ҳимоя шўъбаси бош мутахассиси Гулчеҳра Юнуева, касбга ўқитиш шўъбаси етакчи ходими Соҳиба Фафуровалар меҳнатларини таъкидлаш ўринли.

Сирасини айтганда, меҳнат бўлимининг аҳил жамоаси барча ишларини аниқ, белгиланган режалар асосида олиб бормоқдалар ҳамда янги-янги лойиҳалар устида изланмоқдалар.

Муқаллас УМАРБЕКОВА СУРАТЛАРДА: Сергели туман меҳнат бўлими раҳбари Умар Султонов ўринбосари Шавкат Дадашев билан ўзаро мулоқотда; бўлимининг ишга жойлаштириш шўъбасининг тажрибали мудир Фарица Абдусаматова ҳамда ёш ходим Милоҳат Маҳаматова иш жараёнида. Тоҳир Ниматуллин олган суратлар.

ИШГА АМАРҲАМАТ!



Танловлар

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР АНИҚЛАНДИ


Илгари хабар берилгани, куни кеча Миробод Саноат касб-хунар коллежиде «Энг иқтидорли ўқувчилар» аънаваний кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда коллеж жамоаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Иштирокчилар танловга пухта тайёрларик кўрганликларини, чуқур билим эгаси ҳамда касб-корларининг сир-синоатидан яхшигина хабардор эканликларини шартларини бажариш жараёнида намойиш этидилар.

— Азал-азалдан момоларимиз, оналаримиз қизлар тарбиясига алоҳида аҳамият беришган, — дейди коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Тоҳир Юсу-



пов. — Гузал, лобар қизларимиз йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Учинчи босқичга чиққан чевар қизлар диплом ишлари, яъни ижодий ишларини ҳам намойиш қилдилар.



ҳибаси бўланлигидан, жуда бахтиёрман, — дейди Гулноза Камолитдинова. — Бу нафақат беллашув, балки кўрик-танловнинг барча босқичларида тенгдошларим билан ижодий мулоқотлар орқали касбимизга оид савол-жавоблар орқали анчагина янгиликлардан ҳам бохабар бўлидим. Мен яна бир қарра танлаган касбимдан жуда фخرланиб кетдим. Ҳали жуда кўп ўрганишим, изланишим, ўз устимда ишлашим ва асосий-си, янада чуқурроқ билим олишим зарур эканлигини ҳам ҳис этдим.

Тадбирда ижодкор ўқувчиларнинг шаҳар миқёсидаги кўрик-танловга тақдим этилган ижодий ишларидан намуналар намойиши учун мўлжалланган кўргазма ҳам барча йиғилганларда яхши таассирот қолдирди.

Муассар АБДУРАСУЛОВА СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.

Алишер Ҳамидов олган суратлар.

Маълумки, бирор бир касб-хунарни эгаллаган киши албатта, «ишласам, қийналиб ўқиганим роҳатини кўрсам», дея бир идорадан иккинчи бир ташкилотга иш сўраб, югуриб-еладим. Гоҳида бу югуриб-елишлар зоё кетгани боис кўрган-билганларга «қозирча таътилдам» дея кутулиб қўя қолишади.

Мушоаза

МУҲИМИ — КАСБИНИ СЕВСИН

Яқинда бир танишим «Сизларда менга лойиқ иш борми?» дея сўраб қолди. Бу саволдан бироз таажжубландим. Ахир ўзингиз бир йўлаб кўринг, қайси даврда касб киши салоҳиятига боғлиқ холда унга мослашган бўлса... Аммо ҳозирда «ўзига лойиқ иш кидириб» олиб-югурилган камини орамизда. Ҳўш, дипломини кўтариб «минг жойга бош суққанлар»га нима дейсиз? Шу ўринда ҳеч қийналмай таниш тоғаси ва холасининг икки оғиз саломии билан ишга жойлашиб олаётган ўрта маълумотли омадликларини ҳам эслаб қўймасак нотўғри бўлар деб ўйлайман.

Аслида ишга жойлашиш кимга боғлиқ? Бу саволга «иш кидириб чарчаган» бўлгуси ходимнинг ҳаётта илк ташлаган қадамлари-

дан жавоб излаймиз. У мактаб даврларида ким бўлишни оруз қиларди? Ота-онаси, таниш-билишлари унинг истакларини инобатга олишди? У ўзи хоҳлаган касбга кириб олди? Еки «чўнтаг» кўтарганини танлаб» зўрга ўқишни тамомладими? Албатта, инсоннинг хоҳиш-истаклари иккинчи даражали ўринга чиқиб қолди, демаски энди унинг ўзида ҳам, ишида ҳам соҳталиқ, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш юритишга мойиллик туйғулари ортиб бораверди. Натихада бундай кишининг келгусида муваффақиятга эришиши ҳам дарғумон. Бу ўринда бу муаммонинг юзига келишида кўпинча ота-оналарнинг ҳам «хисса»лари борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. «Мен

фарзандимга яхшилик қиламан» дея ўз боласининг оруз-умидларини бўғиб қўяётганларини гоҳида билмай қолишади. Ўз-ўзи билан берилган саволининг жавоби ҳам пайдо бўла болади. Демакки, ҳар бир инсон қонун бўйича яшаш ҳуқуқига эгами? Бундан келиб чиққан ҳолда у эркин касб танлашга ҳам дақли эканлиги қонунда алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шу ўринда жонқуяр ота-оналарга ҳам икки оғиз сўз. Майли, фарзандингиз юқори лавозимдаги шахс бўлмасин, майли, уни «ўрток фалончиевич» деб аташмасин. Энг муҳими, у ўз касбининг чин дилдан севадиган инсон бўлсин. Ана шундангина барчаси ўз-ўзидан яхши тарафга ўзгаради.

Камола БУРҚИОНОВА

Сўранг, жавоб берамиз

48 КУНЛИК МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ БЕРИЛАДИМИ?

Мен Тошкент вилоятида жойлашган миллий лицейдан шаҳарда жойлашган касб-хунар коллежга феврал ойидан бошлаб ишга келдим. Менга 48 кунлик меҳнат таътили берилгани, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Маъмура Отахонова, Яккасарой тумани. Сиз агарда бир йўналишдаги таълим тизимида иш фаолиятини давом эттираётган бўлсангиз, бу ҳолда Сизга тўлиқ, яъни 48 кунлик меҳнат таътили берилиши мумкин.

ЎЗ ЖОЙИМДА ИШЛАШГА ҲАҚЛИМАНМИ?

Мен сўдинг ҳал қилув қарори билан ўз иш жойимга тикландим. Иш жойимни бошқа ходим эгаллаб ўтирган экан. Раҳбарият менга бошқа иш таклиф қилди, рози бўлмадим. Айтингчи, мен ўз

ЎЗ ЖОЙИМДА ИШЛАШГА ҲАҚЛИМАНМИ?

Фозил Анваров, Юнусобод тумани. Албатта ҳақлисиз. Сизни туманлараро фуқаролик ишлари бўйича сўдинг ҳал қилув қарори билан ишга тиклашган, яъни сўдинг қарори кучга кирган. Демакки, Сиз ўз иш жойингизга тикланишингиз ҳақидаги қарорингиз ихтисосини таъминлаш мақсадида корхона маъмурияти буйруқ чиқариши шарт.

ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНАДИ?

Ходим ишдан бўшаганидан кейин, меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйса, у қаерга мурожаат қилиши мумкин? Соҳиба Ниёзова, Сергели тумани. Бу ҳолатда ходим ариза билан меҳнат дафтарчаси дубликатини ёзиб беришни сўраб охириги иш жойига мурожаат қилишга ҳақли. Ариза қабул қилинган кундан сўнг 15 кундан кейинги тарихда иш берувчи ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликатини муассасида қолган ходимнинг Т-2 шахлидаги шахсий карточкасидаги ёзувлар асосида ёзиб берилиши шарт.

Ходимга янги меҳнат дафтарчаси ва унинг дубликати ёзиб берилганда ундан белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизини миқдорда ҳақ ундириб олинади.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганим Домо бўлур...

● Айтди: Бирор кишининг аҳолида ўзгариш юз берса ва ҳаёт унинг учун оғирлашса, бундай одам ночор ва толъасиз кишилар билан бу борада маслаҳат қилмаслиги лозимки, бундай одам берган ҳар бир маслаҳат тўғри йўлдан узок, нотўғри йўлга яқин бўлади.

● Бахтли кунларида дўстларидан алоқасини узган кишига бахтсиз кунларида ҳеч ким ёрдам бермайди.

● Кимки ҳаётим осонлик билан ўтсин деса, яхшию ёмонликдан унга нимаки етса, тангри таоллодан деб билсин, ҳою-ҳавасга берилмасин, ичин ҳасаддан холи тутсин, барчага нисбатан ўзини одил тутиб, бировга нисбатан инсофсизлик қилмасин!

● Паришонлик тўрт нарсадан юз беради: биринчи — дўстларидан айрилишдан, иккинчи — душманлар макридан, учинчи — яхши ишлардан юз ўтиришдан, тўртинчи — покдил одамларни хор туттишдан.

● Сўрадилар: Дўст ким?
Айтди: Оғир кунда ёрдам берган киши.

● Сўрадилар: Дунёда энг ёмон нарса нима?
Айтди: Юраги қора дўст.

● Сўрадилар: Юраги қора дўст нимага ўхшайди?
Айтди: Тушга ўхшайди, тушда ажойиб нарсаларни кўрасан, аммо уйғонганимда қўлингга ҳеч нарса бўлмайди.

● Дунё сенга хуш ўтишни учун ўзингни ўткинчи ҳою-ҳаваслардан асра, мол-дунёнингни Худойи таоло розилиғи йўлида сарф эт, шунда пушаймон емайсан!

● Ҳақиқий марднинг белгиси шунки, агар унда ажойиб равию фикр содир бўлса, бунга асло мағрурланмайди. Уни ёмонласалар, газаби ўрнидан қимирлата олмайди, агар уни мактаб, кўкларга кўтарсалар унда манманлик пайдо бўлмайди, хайрли ишлар ва тўғри амалларга бош қўшади.

● Яна деди: бундан аввал одамларни ер ютаётганини кўрар эдим, энди қарасам, одамлар ерни ютишяпти. Кимки одамларга яхши ишларни буюриб, ўзи бу ишни қилмаса, бу ўзи бошқалар учун қўлида чиқиб тутган одамга ўхшайди.

● Яна айтди: қаердаки қомил ақли кўрсанг, у ерда очқўзлик ва ахлоқсизликни кўрмайсан.

● Яна деди: газаб устидан турган одам билан уришма, уни ўша онда ўз холига келтириш қийин, балки бу пайтда унинг газаби янада зиёд бўлади. Чунончи бу ҳақда шундай дейдилар:

**Икки оқил ҳеч қачон
бир-бири билан
уришмайди.
Доно одам эса енгилтақ
киши билан тортиш-
майди.**

**Нодон киши ваҳшат
билан қаттиқ гапирса,
Ақли одам юмшоқлик
билан кўнгли олади.
Бундай қилишмаса,
демак ҳар иккови
ҳам нодондирлар.
Ҳатто занжир бўлса,
занжирни ҳам узи-
шади.**

● Яна деди: уч одамга менинг кўнглим ачишади, камбағалга айланган бойга, хорликка мубтало бўлган азиз кишига ва нодонлар орасига тушиб қолган олимга.

● Ҳақли одамга нарса бермоқчи бўлсанг, ялинтирмасдан бер.

Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида катта тажриба тўпланган, бу борада мақсадли давлат дастурлари, шунингдек, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва ушбу соҳага тааллуқли бошқа асосий ҳужжатлари бажариш бўйича республиканинг халқро мажбуриятлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Яқинда Меҳр ва мурувват йили тадбирлари дастури доирасида Тошкентда бўлиб ўтган «Етим болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш» халқро конференцияси иштирокчилари томонидан қабул қилинган Меморандумда шундай хулосага келинган. Конференция «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси томонидан ЮНИСЕФ ва бошқа халқро ташкилотлар кўмағида ташкил этилган эди.

Анжумандан кўзланган мақсад ота-она меҳри ва оилавий тарбиядан маҳрум болаларнинг муқамал жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланиши учун барча зарур шароитларни яратиш бўйича давлат тизимлари ва фуқаролик жамияти институтларининг мувофиқлаштирилган стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат эди.


Меморандумда ушбу вазифанинг ҳал этилиши Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бир қаторда, мамлакатимизнинг келажакдаги фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим омил бўлиши таъкидланган.

Бундан ташқари, бу борада кўзда тутилган саъй-ҳаракатлар жаҳон ҳамжамиятининг болалар учун фаровон ҳаёт яратишга қаратилган мақсадларга мос келадди. Бу БМТ Бош ассамблеясининг 2002 йилдаги Махсус сессияси ҳамда жорий йилнинг майида Сараёвда ўтган Европа ва Марказий Осиё мамлакатларининг болаликни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган иккинчи давлатлараро конференцияси яқини ҳужжатларида ҳам ўз тасдиғини топган.

Меморандумда қайд этилганидек, инсониятнинг барқарор ривожланиши демократия, тенглик, камситмаслик ва ижтимоий адолат тамойилларига амал қилган ҳолда болалар манфаатларини ҳимоя қилишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу сабабли болалар тўғрисида ғамхўрликни ўз зиммасига олган оилалар ёки қонуний васийларни қўллаб-қувватлаш лозим. Бу борада тегишли чораларни қабул қилишда ҳар бир бола, айниқса, тақдир тақозосига кўра ота-она меҳридан маҳрум болаларни унутмаслик зарур. Бундай ғамхўрлик ҳар бир кишининг биринчи даражали бурчига айланиши керак.

Белгиланган мақсадга эришиш учун эса давлат ва ноҳукумат ташкилотлар, бошқа фуқаролик жамияти институтларининг кенг қўламли ижтимоий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ота-оналарсиз вояга етатган болаларни ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ягона стратегиясини амалга ошириш, уларни тарбиялашнинг муқобил шакллари фаол ривожлантириш талаб этилади. Болалар учун зарур шароитларни таъминлаш, турли хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратиш ва уларни қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этиш учун инфратузилмани яратишда тегишли меъёрий-ҳуқуқий база, маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш лозим. Болаларни тарбиялаш, ривожлантириш ва ўқитиш билан шуғулланувчи таълим, реабилитация муассасалари тармоғининг кенгайтирилиши ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Бундан ташқари халқро ҳамкорликни янада ривожлантириш, мил-

лий, худудий ҳамда маҳаллий даражада илғор хорижий тажрибанинг жорий этилиши болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мамлакатимиздаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш имконини беради. Кўрилатган саъй-ҳаракатлар самардорлигини ошириш учун бу йўна-



БОЛАЛАРГА МЕҲР ВА МУРУВВАТ БИЛАН

лишларнинг ҳаммаси бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш тавсия этилди.

Меморандумда яқин истиқболда қатор амалий масалаларни ҳал қилиш режалаштирилган. Улар орасида «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида» ва «Етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларининг тайёрланиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида кўриб чиқиши масаласи ҳам бор. Меморандумни имзолаган конференция қатнашчилари Олий Мажлис ҳузурида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институтини (болалар Омбудсмени) таъсис этиш таклифини киритди. Бундан ташқари бу йил БМТ Болалар ҳуқуқлари қўмитасининг тавсиялари амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режаси ижросининг мониторинги ўтказилади ва уни аниқлаштириш, кенгайтириш ҳамда 2010 йилгача узайтириш юзасидан тегишли давлат органларига тақлифлар киритилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 2004-2009 йилларда оилалар ташқари тарбияланаётган болаларнинг юқори сифатли таълим олиши таъминлаш учун аниқ чоралар кўриш мўлжалланган. Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси ҳузурида етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш таклиф этилди. Мазкур кенгаш белгиланган барча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши учун зарур дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Меморандумда қатор вазирлик-

лар ва ноҳукумат тузилмаларига тавсиялар берилган. Тўлиқ бўлмаган оилалар фарзандлари, етимлар, ногирон болаларнинг маиший ва тиббий муаммоларини ҳал қилиш борасида соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот, жамоат тартибини муҳофаза қилиш органлари, жамоат ва ота-оналар ҳамда диний ташкилотларнинг ҳамкорлиқда иш олиб бориши кўзда тутилган.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ногирон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, реабилитация қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш ва ногиронликни экспертизадан ўтказишнинг самарали тизимини яратиш тавсия этилди. У боланинг яхши ривожланишига ҳавф соладиган ижтимоий, иқтисодий, биологик ва экологик омилларни эрта аниқлаш услубларини такомиллаштириш ва фаол қўллаш, болалар соғлиғи учун ҳавф мавжуд оилаларда профилактика тадбирларини амалга оширишни кўзда тутди.

Мактаблар, меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида махсус тиббий-ижтимоий мониторинг ташкил этилади. У тарбияланувчилар орасида жароҳатланнинг, ҳуқуқбузарликлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзи тарғиботини ташкил этишга қаратилади. Соғлиқни сақлаш вазирлигига бундай муассасаларни замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш, бошқа вазирликлар билан бирга тиббий ходимлар ва педагоглар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказишни йўлга қўйиш тавсия этилди.

Республикаимиздаги болаликни ҳимоя қилиш тизимини яхшилашга Халқ таълими вазирлиги ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Унга ота-она қаровисиз қолган болаларнинг ақлий, касбий имконият ва қобилиятларини аниқлаш билан шуғулланувчи муассаса ва жамоат ташкилотлари тармоғини кенгайтириш тавсия этилди. Етим болалар учун муқобил муассасалар - оилавий турдаги болалар уйлари, маҳалаларда болалар маҳаллалари каби муассасаларни ташкил этиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласини ҳам ўрганиш лозим.

Шунингдек, қарамоғига олиш ва патронат марказини ташкил этиш, ўз ота-онаси ва қариндошлари қаровисиз қолган болаларни ўз оиласида тарбиялаш учун олишни истаган Ўзбекистон фуқаролари ҳақидаги маълумотларни жамлаш имкониятларини кўриб чиқиш таклиф қилинди. Етимлар ва алоҳида эътиборга муҳтож болалар таълими сифатини ошириш учун ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан бирга уларни очик (инклюзив) ўқитиш тажрибасини оммаллаштириш, шу жумладан болаликдан ривожлантириш тизимини яратиш кўзда тутилган. Меҳрибонлик уйларида вояга етган болаларнинг ижтимоий мослашуви муаммоси ҳам долзарблигига қўлмоқда. Бу йўналишда кенг тадқиқотлар ўтказиш режалаштирилган.

«Етим болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш» халқро конференциясида қабул қилинган Меморандумнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг барча болалари, айниқса ота-она меҳри ва оилавий тарбиядан маҳрум болаларнинг тўлақонли ва бахтли болалигини таъминлашга хизмат қилади.

**А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири**

Назандагилик

ПАЛОВНИНГ ЖОНИ

Қадимги тиббий китобларда сабзи конни тозаловчи бир неъмат эканлиги айтилади. Назандагиликда сабзидан асал ёки шакар қўшиб мураббо тайёрлаш усули ҳам қадимдан маълум. Лекин паловнинг дони гуруч бўлса, қони ёғу, жони эса сабзидир.

Хамма ўсимликларнинг ҳам барги яшил бўлади, шу яшил барглари ичида сабзиники ўзига хосдир. Чунончи кўз китоб ўқишдан толиққан бўлса ва хиралаша бошласа сабзи баргига тикилиб ўтирсангиз равшанлашади. Сабзи «сабза» сўзидан келиб чиққандир, яъни баргининг сабза — яшиллигига ишора. Сабзавот тушунчаси эса сабзидан келиб чиққанди, сабзи барча сабзавотлар орасида энг ажойиб ва фойдалиси ҳисобланади. Сабзининг навлари эндиликда юздан ҳам ортиқдир. Шакли ҳам турлича—узунчоқ, юмалоқ, банди йўғон, учи учлик — конуссимон ёки учи тўтмоқ, ясси юмалоқ, шолғомсимон.

Сабзининг ранги ҳам турлича: бизда унинг сариқ ва оч қизил ранглиси бўлади, бошқа мамлакатларда оқ сабзи, пушти ва сапсар рангдигилари ҳам бўлади.

Сабзини паловнинг жони дейишда, албатта жон бор. Унинг кимёвий таркибида ўрта ҳисобда 9-10 фоиз шакар моддаси, 1 фоиз Хўжайра моддаси, 1-1,5 фоизгача азотли моддалар бир мунча минерал моддалар, ҳам мавжуд. Сабзи поливитаминли сабзавот ҳисобланади, унда А дармондориси 7 фоизгача, В-0,07 фоиз, В₂ -0,6 фоиз, РР эса 0,2 фоиз ва анчагина С дармондориси бор. С ва В группасидаги дармондорилар кўпроқ бўлади. А дармондорининг бир суткалик миқдори ҳар бир кишига 3 миллиграмм ҳисобда тўғри келади. Бу дармондори ёгда яхши эриydi. Шу сабабли паловни серсабзи қилиб пишириш унинг шифолигини орттиради. Шифобахш серсабзи тўй паловига, Самарқанд ва Бухорода тайёрланадиган туғрама паловлар мисол бўлади. Тўй паловига сабзи гуруч билан тенгма-тенг миқдорда солинади. Туғрама паловда эса сабзи ҳам зирвакда пиширилади, ҳам алоҳида идишда бутунлигича қайнатилган сабзи сомонча шаклида туғраб тайёр паловга гарник қилиб бериллади. Яна паловнинг «Мажнун палов» деб аталадиган қадимий хили ҳам бўлиб, буни дамлашда зирвакка сув эмас, сабзидан сиқиб олинган шарбат қўйилади. Ҳар ҳолда паловнинг тез хамланиши ва парҳез хусусиятлари сабзига боғлиқ бўлади. Бу хил паловларни ёш туғрақлардан тортиб қарилагача ва ҳатто беморлар ҳам истеъмол қилса оғир ботмайди.

Сабзининг хусусиятлари ҳақида Ибн Сино шундай дейди:

«Сабзи ер қўқи». Ҳиди ва чайнами ёқимлидир. Боғларда ўсадиган Рим петрушқасига ўхшайди, у мазали ва ҳиди ёқимлидир. Учинчи хилининг япроғи кашинч япроғи каби бўлиб, оқ гуллайди. Боши ва меvasи укропнинг боши ва меvasига ўхшаш бўлади. Уруғ дони зира каби сөрвурғ бўлади. Ундан тайёрланган мураббонинг ҳазми енгилдир. Истикоса хасталигига (сув чечакка) фойда қилади. Ёввойи сабзининг уруғи ичак оғриқларини босади. Уруғи ва илдизи бўғоз бўлишини қийинлигига фойда қилади».

Халқ таъбаотида сабзидан анчагина касалликларни даволашда фойдаланиб келинади. Чунончи, ёлғиз гўлт билан қайнатилган сабзи юрак қон томир ва ошқозон ичак касалликларига парҳез қилинади.

Сабзи мураббоси сариқ касали ҳамда жигар ва буйрак хасталигига дори бўлади. Сабзи шарбати дармонсизланиш ва камқонликда қўлланилади. Ҳаётингиз ҳам неча бор синаб кўргангиз: бир дон сабзи жигардан қайнашни тўхтатади.

“LIBERTY TV” КАНАЛИДА — ЎЗБЕКИСТОН

“Liberty TV” каналида эфирга узатилган Наврўз байрами тантаналари ҳақидаги фильм Ўзбекистонга бағишланган туркум кўрсатувлар намойишини бошлаб берди.

Бенилюкс мамлакатларида машҳур бўлган ушбу телеканал сайёҳликни тарғиб этишда нуфузли мавқега эга. Унинг дастурлари Франция, Германия, Греция, Польша ва Европанинг ўн миллиондан ортиқ аҳоли истикомат қиладиган қатор давлатларида қабул қилинади ва доимий мухлислар аудиториясига эга.

Бельгиялик тележурналистлар Тошкент, Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб, ўзбек халқининг урф-одатлари ва аънавалари билан яқиндан танишдилар.

“Liberty TV” каналида Ўзбекистон ҳақида томошабинлар эътиборига ҳавола этилган илк кўрсатув юрти-

мизнинг диққатга сазовор тарихий, маданий ва сайёҳлик масканларига бағишланди. Унинг алоҳида саҳифаларида Наврўз байрами ҳамда Ўзбекистонда кенг тарқалган қадимий беллашуви — улоқ ўйини ҳақида хикоя қилинади.

Ҳар бир фильм мартадан эфир юзини кўради. Бу эса европалик кўпмиллионли телетомошабинлар аудиторияси ва сайёҳлар учун мамлакатимиз билан янада яқинроқ танишиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон ва жаҳон

Москвада МДХ ва Болтик мамлакатлари киночиларининг VIII Форуми якунланди. Анжуманда иккинчи мартаба мамлакатимиз киномаҳсулотлари кенг кўламада тақдим этилди — танловда намойиш этилган 70 та фильмдан 10 таси Ўзбекистон киноусталари ижодига мансуб эди. Кинофестиваль ҳайъати ўзбек киноасарлари профессионал ва бадий савияси юқорилигини қайд этди. Улар томошабинларга тўла залларда намойиш этилгани эса ушбу фикрнинг норасмий тасдиғи бўлди.

ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ — МОСКВАДА

Кинотанқидчилар кўплаб мамлакатларда кино санъати инкирозга учраётган бир вазиятда, Ўзбекистон миллий кино санъати фаол ривожланаётганини қайд этдилар. Уларнинг таъкидлашича, бунинг сабаби соҳа тараққиётига давлат томонидан катта аҳамият берилганлиги, ўзбек мумтоз кинოსанъатлари ижодий ривож топиши учун қулай шарт-шароит яратилганлигидир. Жумладан, рус кинотанқидчиси Е.Стишова ўзбек кинოსанъати ҳақида фикр билдирар экан, “бизнинг кўз ўнгимизда нафақат баъзи бир муваффақиятли бўйиҳалар, балки миллий кинოსанъатининг қайта тикланаётганидан дарак берувчи бадий йўналишлар ва оқинлар гавдаланмоқда”, деди.

Кинофорум кунлари Ўзбекистон ҳайъати аъзолари ва Хамдўстлик давлатларининг таниқли киноарбоблари мамлакатимизнинг Москвадаги элчихонасига ташриф буюришди. Мазкур учрашув чоғида кино санъатининг бугунги аҳволи, истиқболлари ва бу йўналишдаги ҳамкорлик истиқболлари ҳусусида фикр алмашилди. Хусусан, россиялик кинорежиссёр ва актёр В.Меньшов ўз сўзида мамлакатимиз киночилари билан яқин алоқага эгалиги, уларнинг фаолиятини доимо қузатиб бориши ва айниқса, шоғирди, бугунги кунда таниқли ўзбек кинорежиссёри З.Мусоқов ижодидан мамнуллигини изҳор қилди.

ХИТОЙЛИК ФОТОИЖОДКОРГА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида олий ўқув юрти раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларининг хитойлик фото-рассомлар делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

Делегация раҳбари, ХХР фотографик уюшмаси вице-президенти ва энг йирик «Синхуа» ахборот агентлиги журналисти Ло Ўзбекянг катта ижодий муваффақиятлари ва Ўзбекистон-Хитой дўстлиги ва ҳамкорлигини мустақимлашга қўшган ҳиссаси учун Олий эхтиром дипломи ва Қамолитдин Бехзод олтин медали топширилди.

Сўхбат давомида ўзбекистонлик ўқитувчилар олий ўқув юртининг фаолияти ва халқро

алоқалари ҳақида сўзлаб бердилар. Институтда кўп мамлакатлардан талабалар тахсил олади. Сўнгги йилларда бу ерда Жанубий Кореядан келган талабалар ўқимокда. Хелуан университети (Қохира) ўқитувчилари малака ошириб кетди. Италия ўқув муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган, франциялик ҳаммасаблар билан музокаралар олиб борилмоқда.

2003 йилда олий ўқув юртининг нуфузли

Осиё маданий меросни бошқариш академияси аъзолигига қабул қилиниши унинг ютуқлари эътирофи белгисидир. Яқинда арт-менеджмент бўйича ЮНЕСКО кафедраси очилди. Унда хорижий етакчи мутахассислар дарс беради. Институт базасида бадий фотография ва компьютер графикаси, заргарлик санъати ва бадий шишасозлик усталарини тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Учрашув нихоясида меҳмонлар олий ўқув юрти талабаларининг энг яхши диплом ишларидан ташкил толган бадий асарлар кўргазмаси билан танишди. Намойиш этилган асарлар орасида расмлар, ҳайкаллар, сопол буюмлар, дизайн ишланмалари бор.

Ўзбекистон ва «Жаҳон» ахборот агентликлари материаллари асосида тайёрланди.

Адолат тамойили кўпроқ муайян жиноят учун жазо тайинлаш вақтида аниқ намоён бўлади. Айнан ана шу вақтда, яъни жиноят процессининг жазо тайинлаш вақтида ижтимоий хавфли қилмишга жиноят-ҳуқуқий баҳо бериллади. Жиноят субъектининг ўзига хос хусусиятларига ана шундай йўл билан баҳо бермасдан, унинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олмасдан, м у а й я н нормаларни қўлламасдан жазонинг мақсадига эришиб бўлмайди, у жиноят ҳуқуқи принциплари, биринчи навбатда қонун олдида ҳаммининг тенглиги, инсонпарварлик ва адолат тамойилларига хилоф бўлиб қолади. Ҳақиқатан ҳам Жиноят кодекси махсус қисмининг нормаларида қилмишнинг ижтимоий хавфлигига ва уни содир қилган шахсда кўпроқ учрайдиган белгиларга қараб тавсифланадиган мезонлари асосида баҳо бериллади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида одиллик принципи ифодаланар экан, тайинланган жазо чораси содир этилган жиноятнинг қуйдаги мезонларига мос бўлиши керак. Жумладан:

- 1) жиноятнинг оғирлик даражасига;
- 2) айбнинг даражасига;
- 3) шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос бўлиши керак.

Шундай экан, бу мақсадга фақат қонунийлик тамойилига риоя қилиниб эришилади. Адолат тамойили ЖК махсус қисми моддаси санкцияларида назарда тутилган жазо тури ва муддати орқали баҳоланади.

Адолат тамойилига риоя

бўлганлигидан жавобгарликни ҳис қилмайдиган ёки ҳаддан ташқари оғир бўлганлигидан норозилик ҳиссини қўзғатмайдиган, мақсадга мувофиқлиги талабига жавоб берадиган бўлиши кераклигидан келиб чиқилди.

Бу мезонлар талаблар тузум

Хуқуқий давлат сари ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ОДИЛЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят қонунидан унинг энг муҳим тамойиллари сифатида одиллик ва инсонпарварлик принциплари ўз ифодасини топган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ҳўш, жиноят қонунчилиги ва жиноят ҳуқуқига тадбиқан одиллик тамойилларининг моҳияти нимада?

қилиш суднинг ва умуман давлат сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ҳар қандай жазо ўзининг қўриқчи ва миқёси жиҳатидан содир этилган жиноятнинг оғирлиги ва айбдорнинг шахсига мос бўлмас, адолатсиз жазо деб ҳисобланиши керак.

Суд тайинланадиган жазо турини танлашда фақатгина адолат тамойилига риоя қилингани қолмасдан, балки Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 7-моддасининг 2-қисмида ифодаланган «Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак», — деган йўналишга амал қилиш керак. Бу ерда асосан иккита мезонга аҳамият берилиши лозим. «Бундай талаб жазонинг ҳаддан ташқари енгил

даги сиёсатнинг моҳияти шундан иборат эдики, кишининг шахси ва унинг ҳуқуқларига мустақил қадрият сифатида қадрланмаган, балки давлатнинг у ёки бу мақсадга эришишининг воситаси, яъни қонун чиқариш, ижро ва ниҳоят суд ҳокимиятини ўз қўлига олган энг юқори сиёсий раҳбариятнинг у ёки бу мақсадга эришишининг воситаси ҳисобланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларданок ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишга киришилган вақтда жиноят қонунчилиги ва жиноят ҳуқуқининг муҳим принципларини қонунда белгилаб қўйиш зарурати келиб чиқди ва бу ишлар босқичма-босқич амалга ошириб борилмоқда.

Баҳром АҲРОРОВ, Тошкент Давлат юридик институтини доценти, Собир БОҚИЕВ, ушбу институт магистри.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАФИШЛАНДИ

Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида Италиянинг савдо институти, «Мармомакери» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси ҳамда Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамкорлигида «Табий тошларни қазиб чиқариш ва уларни қайта ишлаш ускуна ва машиналарини ишлаб чиқариш соҳасидаги технологияни ривожлантириш» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

— Ўзбекистон мрамр тошлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди, — деди анжуманда сўзга чиққан Италия халқаро мрамр институти муҳандиси Паоло Мароке. — Табий тош, мрамарид, ёқут, оҳанграб, лаъл ва бошқа шу каби тошлар мамлакатимизга шароитида кўп учрайди. Шу боис уларни қайта ишлаш санъатини ривожлантириш фойдадан холи бўлмайди. Бунга Навоий конметаллургия корхонаси қошидаги «Зариспрак» корхонасида ишлаб чиқарилаётган ўндан ортиқ заргарлик буюмларини мисол келтириш мумкин.

Паоло Марокенинг таъкидлашича, табий тошларни ишлаб топиш ва қайта ишлаш гоғтада зарур соҳалардан бири ҳисобланади. Бу борада халқро ҳамкорлик қилиш эса ушбу соҳанинг ривожланиши ва раванга топишида кўмаклашади. Бугунги анжуманда ҳам табий тошларни қазиб, кесиб, булақларга ажратиш технологиялари, унинг устки қисмига ишлов бериш учун янги ускуналарни жалб қилиш масаласи муҳокама этилди.

Алоуддин ҒАҒҒОРОВ, «Туркистон-пресс»

Спорт

ГИМНАСТИКАЧИ-ЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Бугунги кунда ёш гимнастикачиларимиз Сергей Диомидов, Эльвира Саади каби саҳий ўзбек заминидан етишиб чиқиб, олимпиадаларда довруқ қозонган етакчи гимнастика усталарининг хайрли аънбаларини муносиб давом эттириб келишмоқда.

Куни кеча Хитоюда ўз ниҳоясига етган бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати бахслари фикримизга далил бўла олади. Ушбу нуфузли мусобақада мамлакатимиз вакиллари муносиб иштирок этишди.

Ўсмирлар ўртасида Уляяна Трофимова кпток билан машқ бахсларида барча рақибларини ортада қолдирган ҳолда олтин нишонни қўлга киритди. Кўпқраш натижаларига кўра эса у умумий ҳисобда учинчи ўринни эгаллаб бронза медали билан тақдирланди.

Катталар ўртасида Алеся Ашева бадий гимнастиканинг булава билан машқ йўналишида фахрли учинчи ўрин соҳиби бўлди.

ШОҲСУПА ТЎРИДА — ШАҲРИМИЗ ВАКИЛЛАРИ

Маълумки, Республика кикбоксинг федерацияси ташаббуси билан ҳар йили ёшларни зарарли одатлардан ҳоли қилиш ва турли оқимлар таъсиридан асраш мақсадида кўплаб нуфузли мусобакалар уюштирилади.

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида кикбоксинг бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ҳам «Кикбоксинг терроризм ва гиёвандликка қарши» шиори остида ташкил этилди.

Турнирнинг биринчи кунинда саралаш беллашувлари ўтказилган бўлса, кейинги кунда ўн битта вазн тоифасида чемпионат ғолиблари аниқланди. Шундай қилиб финал бахсларини ўз фойдасига ҳал этган Н.Нуритдинов, М.Йўлдошев, А.Мусаев, Б.Ортиқбоев, А.Алимбеков, Д.Мамажонов, Д.Иноғомов, А.Абдуллаев, Б.Дадахўжаев, М.Ражабов, Д.Николаевлар ҳурмат шоҳуспасининг энг юқори поғонасидан жой олишиб, олтин нишонлар билан тақдирланди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, ғолибларнинг деярли барчаси шаҳримиз вакилларидир.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент Банк коллежи жамоаси коллеж ўқитувчиси Маъсуда Тўлановна Мухитдиновага онаси

Саоҳат ая СУЛТОНОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.



Европа чемпионати

ГРЕЦИЯ ҲАМОН ОДИНДА

Кеча «А» гуруҳидаги жамоалар ўзларининг чемпионатдаги иккинчи учрашувларини ўтказишди.

Шуниси эътиборга лойиқки, дастлаб майдонга тушган гуруҳ пешқадамлари — биринчи ўринда бораётган Греция ва иккинчи ўринни банд этиб турган Испания термаларининг ўзига хос жиҳатларини тавсифлаб ўтиш мумкин.

Хусусан, Испания жамоаларида курраи заминнинг жуда кўплаб энг йирик юлдузлари тўп суриб ўшбу мамлакат доими иқтидорли футболчиларга бой бўлса-да, бироқ 1964 йилги қитъа чемпионатини истисно қилганда испанлар бирор бир йирик мусобақада ғалаба нашидасини сурмаганлар.

Греция терма жамоаси ўрта миёна командалар қаторига кирди. Ушбу Европа чемпионатининг биринчи ўйинида Португалия устидан қозонилган шов-шувли ғалаба грекларнинг жаҳон ва Европа чемпионатлари финал босқинида қўлга киритган илк ютуқлари эди.

Табиийки, кўпчилик ушбу ўйинда испанларнинг йирик ва чиройли тарзда ғалаба қозонишини кутганди. Бироқ бу гал ҳам греклар ўзларининг қатъий характерларини намойиш этишди. Улар ҳимояда мустаҳкам ўйнаб, ҳавфли қарши ҳужумлар уюштириб туришди.

Биринчи бўлимда испанларнинг кетма-кет уюштирган ҳужумларидан бири самарали яқунланди. 28-дақиқада Ис-

пания термаси сардори Раул Гонсалеснинг товони билан узатган тўпини моҳир ҳужумчи Фернандо Мориентес кучли зарба билан дарвозага аниқ йўллади. Биринчи бўлим шу кичик ҳисоб билан яқунланди.

Иккинчи бўлимда греклар анча дадиллашди. 66-дақиқада Ангелос Харистеас жавоб тўпини йўллади. Ҳар икки жамоа қанчалик ҳаракат қилмасин ўйин охиригача ҳисоб ўзгармади.

Ушбу дурандан сўнг греклар гуруҳда ҳамон пешқадамлик қилишмоқда.

Иккинчи ўйинда эса Россия ва Португалия терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Биринчи ўйиндаги мағлубиятдан сўнг грекларнинг ҳужумга зўр беришдан ўзга иложи йўқ эди.

Учрашув бошида — 7-дақиқада португалияликлар ярим ҳимоячиси Маниша Рибейру ҳисобни очганидан сўнг Россия термаси бир оз саросимага тушиб қолди. Иккинчи бўлимда эса россияликлар ҳисобни тенглаштиришга қанчалик ҳаракат қилишмасин, бунинг уддасидан чиқишолмади. 89-дақиқада Руи Кошта учрашувда сўнги нуқтани қўйди.

Бугун «В» гуруҳидан ўрин олган Англия-Швейцария, Хорватия—Франция жамоалари ўзаро куч синашади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Ёзни «Қамолот» билан» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Қамолот»

ДАМ ОЛИШ МАВСУМИ ЛОЙИҲАЛАРИ

Маълумки, серкўёш диёри-мизда айни ёзда дам оладиган, муздек сувлари, кўкаламзорлиги салқин шабодаси билан дилга ором берувчи тоғ бағрида жойлашган оромгоҳларда маза қилиб ҳордиқ чиқарадиган палла. Айниқса ўқувчиларни, болажонларни айтмайсизми, уларнинг энг севилими, хордиқ чиқариб яйрайдиган, ўқишдан таътилга чиққан вақти. Уларнинг ёзи дам олиш вақтларини янада сермазмон ва кўнглини ўтказишни режаларин «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими шаҳар ҳокимлиги кўмағида бир қатор лойиҳаларни ишлаб чиқди. Улар асосан июнь-август ойларида амалга оширилади.

Лойиҳаларда асосан ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёз давомида мароқли дам олишларини ташкил этиш, ишга жойлашмоқчи бўлган ёшларга ёрдам бериш каби мақсадлар қўзғанди.

Анжуман иштирокчилари

ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ

Бугунги кунда Тошкент Давлат шарқшунослик институти кутубхонаси адабиётларга бой. Ушбу зиё масканида нобб кўлэзма асарлар жамғармасининг юзага келиши нур устига аъло нур бўлди.

Бу каби нодир адабиётлар умрини узайтириш мақсадида уларнинг электрон каталогини яратиш тадбирлари қўрилмоқда. Замонавий технологиялар асосида амалга оширилаётган бу саъй-ҳаракатлар яқин келгусида ўз катта самарасини беради.

Кутубхонада «Ирдис» дастури асосида китоб жамғармасининг электрон каталогини яра-

бир нечта йўналишлардан иборат лойиҳалар билан яқиндан таништирилди, мақсад ва вазифалар тушунтириб берилди. Хусусан мактаб қошидаги, шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларда фаолият олиб бориш «Ҳарбий спорт оромгоҳи»ни ташкил этиш, олий ўқув юрти талабаларининг ижодий амалиётини, «ободонлаштириш талаба гуруҳлари»ни ташкил этиш, «Менинг шаҳрим—тоза шаҳрим», «Кўчама оммавий спорт йўналиши», «Ишлаб топ», яъни ёз давомида ишга жойлашмоқчи бўлган ёшларга ёрдам бериш мақсадида иш бошланган лойиҳалар бўйича қилинаётган ишлар билан танишилди.

Шуниси эътиборга молиқки лойиҳани мувофиқлаштириш мақсадида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби қошида «Алоқа маркази» ташкил этилган. Ҳар бир лойиҳа қатнашчилари эса «Қамолот» ЕИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан махсус совғалар билан тақдирланади, зарурий анжумалар билан таъминланади.

Садриддин АЗИЗОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.

2004 йил 29 июнда қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

- 1. «Фиат Темпра СВ» автомобили, 1996 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси М 06-31, бошланғич нархи 2 900 000 сўм;
2. «Ссанг Енг Муссо» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошланғич нархи 2 000 000 сўм, техник носоз;
3. «БМВ-520» автомобили, 1988 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 23-32 В, бошланғич нархи 4 480 000 сўм;
4. «Маз-5423» юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 583, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник носоз;
5. «Маз-5423» юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 479, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник носоз;
6. «Уаз-3303-01» юк автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 96-59 ТНМ, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
7. «Маз-5549» юк автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 810, бошланғич нархи 750 000 сўм, техник носоз;
8. «ГАЗ 3102» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Р 06-04, бош-

ланғич нархи 6 000 000 сўм, техник носоз;
Ким ошди савдоси соат 16.00да бўлади.

2004 йил 17 июлда қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади

- 1. «Тойота Ленд Крузер» автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М29-63, бошланғич нархи 20 000 000 сўм, техник носоз;
2. «ГАЗ-3102» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 УЗ 661, бошланғич нархи 3 500 000 сўм, техник носоз;
3. «Тико» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 847, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;
4. «Ваз-21061» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 118, бошланғич нархи 1 500 000 сўм, техник носоз;
5. «Форд транзит» микроавтобуси, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 Е51-19, бошланғич нархи 6 000 000 сўм, техник носоз;
6. «М-412 ИЭ» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 81-41, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
7. «ГАЗ-310510» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 24-16 ТНБ, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
8. «ГАЗ-2410» автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 12-89 ТНБ,

- бошланғич нархи 220 000 сўм, техник носоз;
9. «Зил-130» юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АС 956, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
10. «ГАЗ-2410» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 452, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
11. «Ваз-2106» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 179, бошланғич нархи 2000 000 сўм, техник носоз;
12. «Маз-5334» автокрани, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 932, бошланғич нархи 8 000 000 сўм;
13. «Кавз-3270» автобуси, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 929, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
14. «Камаз-5410» юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10 АА 113, бошланғич нархи 6 000 000 сўм, техник носоз;

Ким ошди савдолари соат 11-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38



Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма тибқ објект усундан босилади. 4127 нускада босилади. Қитъа биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашрий-матбوع ақциядорлик компанияси босмоқсони. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.